

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 3 ЖИЛД

# ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 3

# LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 3



TOSHKENT-2023

## Мундарижа

### ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

<b>1. ВАКНРАМОВА Mokhinur</b> LEGAL ANALYSIS OF METHODS OF REALIZATION OF PROPERTY RIGHTS BY AUTHORS AND PRACTICE OF LAW ENFORCEMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	8
<b>2. TURDIEV Bobir Sobirovich</b> KORPORATIV SEKTORNING EKOLOGIK MAS'ULIYATINI OSHIRISHNING HUQUQIY MEKANIZMLARI .....	14
<b>3. ҲАМДАМОВ Шаҳзод Мақсуд ўғли</b> РАҚАМЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ .....	23

### СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

<b>4. ПАНАБЕРГЕНОВА Жамиля Таировна</b> ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ .....	30
<b>5. JUMAYEV Shohjahan Begimqul o'g'li</b> QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR TEKSHIRUVLARINI O'TKAZISH ASOSLARI VA ULARNI QONUN HUIJATLARIDA TARTIBGA SOLISHNING DOLZARB MASALALARI.....	36

### ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

<b>6. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович, НОРМАНОВА Клара Эшназаровна</b> ЖИНОЯТНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ЁКИ РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН ШАХС ҚИЛМИШИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	43
<b>7. КАРИМОВ Ифтихор Ибрагимович</b> ЭКСТРЕМИЗМ ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА МОҲИЯТИ: ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ..	52
<b>8. SHUKUROVA Muhayyo Mukumjanovna</b> НОКИМИЯТ НАРАКАТСИЗЛИГИ UCHUN JAVOBGARLIK MUAMMOLARIGA DOIR ILMIY TADQIQOTLARNING ZAMONAVIY HOLATI VA RIVOJLANISHI .....	61

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

<b>9. БОЗОРОВ Мақсудали Махмудович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИ УНДИРИШ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	66
---	----

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

### 10. TILLABAYEV Mirzatillo

THE UNIVERSAL DECLARATION OF HUMAN RIGHTS: HISTORICAL OVERVIEW AND IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN..... 74

### 11. ФАЙЗУЛЛАЕВА Нигорахон Равшановна

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВАЯ СИСТЕМА ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ НЕЗАКОННОГО ОБОРОТА КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В МЕЖДУНАРОДНОМ КУЛЬТУРНОМ ПРАВЕ..... 80

### 12. САФАРОВА Шахло Пулатовна

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАРИ ..... 89

### 13. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович

ПРИЧИНЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ НЕЗАКОННОЙ МИГРАЦИИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ..... 96

### 14. ХАМЗАЕВ Дилавер

РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В БОРЬБЕ С ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫМИ ФИНАНСОВЫМИ ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ ..... 102

## ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

### 15. РАХМАНОВ Шухрат Наимович, ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА НА ЦИФРОВУЮ ЭКОНОМИКУ 113

### 16. SUFIEVA Dilafruz

ABOUT QUALITATIVE CHANGES IN THE RULE-MAKING PROCESS.....120

### 17. САФАРОВ Темур Уктамович

АНАЛИЗ ВНЕШНЕГО И ВНУТРЕННЕГО КОНТЕКСТА ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ НАЛИЧИЯ УСЛОВИЙ ДЛЯ КОРРУПЦИИ В ГОСУДАРСТВЕННОМ СЕКТОРЕ .....125

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

**ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович**


Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминалогия ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор  
E-mail: abror\_otajonov@mail.ru

**НОРМАНОВА Клара Эшназаровна**

Мирзо-Улуғбек тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

### ЖИНОЯТНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ЁКИ РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН ШАХС ҚИЛМИШINI КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ОТАЖОНОВ А.А., НОРМАНОВА К.Э.** Жиноятни ташкил этган ёки раҳбарлик қилган шахс қилмишини квалификация қилишнинг айрим масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2023) Б. 43-51.

 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-4-6>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада “ташкilotчи” ва “жиноятнинг раҳбари” тушунчалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўриб чиқилган ҳамда жиноятда иштирокчиликнинг тури сифатида ташкilotчининг қилмишини квалификация қилишнинг айрим масалалари таҳлил қилинган. Жиноят кодексининг ташкilotчига берилган таърифи мазмунидаги камчиликлари аниқланиб, ушбу нормани такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Ташкilotчининг ҳаракатлари Жиноят кодекси 28-моддаси 3-қисмига ҳавола қилинган ҳолда Махсус қисм моддасининг тегишли қисми, банди бўйича квалификация қилиниши шартлиги асослантирилган. Ташкilotчи ва раҳбарнинг жиноят содир этишдаги ролини инобатга олиб, уларни фарқлаш мақсадга мувофиқлиги илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** жиноят ҳуқуқи, иштирокчилик, жиноят, жиноят иштирокчиларининг турлари, иштирокчиликдаги жиноятларни квалификация қилиш, жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги, ташкilotчи, раҳбар.

**ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович**

Профессор кафедры уголовного права, криминологии и противодействия коррупции Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор юридических наук, профессор  
E-mail: abror\_otajonov@mail.ru

**НОРМАНОВА Клара Эшназаровна**

Старший следователь Следственного отдела при  
Управление координации деятельности органов внутренних дел  
Мирзо-Улугбекского района, самостоятельный соискатель Академии  
МВД Республики Узбекистан

**НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ОРГАНИЗАТОРА ИЛИ РУКОВОДИТЕЛЯ  
ПРЕСТУПЛЕНИЯ**

В статье рассматривается соотношение понятий «организатор» и «руководитель преступления», а также некоторые вопросы квалификации действий организатора как соучастника преступления. Отмечаются недостатки дефинитивного изложения содержания понятия «организатор преступления» в уголовном законе, а также разработаны предложения, направленные на совершенствование этой нормы. Обосновывается обязательность ссылки на ч. 3. ст. 28 УК Республики Узбекистан с указанием соответствующей части при квалификации действий организатора. Обозначается целесообразность разграничения ролей организатора и руководителя как самостоятельных соучастников преступления.

**Ключевые слова:** уголовное право, соучастие, преступление, виды соучастников, квалификация соучастия, ответственность соучастников, организатор, руководитель

**OTAJONOV Abrorjon**

Professor of the Department of Criminal Law, Criminology and Anti-Corruption of  
Tashkent State University of Law, Doctor of Law, professor  
E-mail: abror\_otajonov@mail.ru

**NORMANOVA Klara**

Senior Investigator of the Investigation Department for the Coordination of the Activities  
of the Internal Affairs Bodies Mirzo-Ulugbek region

**CERTAIN ISSUES OF QUALIFICATION OF THE CRIME CONVENER AND LEADER****ANNOTATION**

The article examines the correlation between the concepts of “crime convener” and “crime leader”, as well as some issues of qualifying the convener’s actions as a partner in crime. The deficiencies of the criminal law in defining the content of the concept of “crime convener” and the flawed rules for bringing an accomplice to a crime to justice set out in it are noted. For example, the article substantiates the mandatory reference to Part 3 of Art. 28 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. It is useful to distinguish between the roles of a crime convener and a crime leader as independent accomplices in a crime.

**Keywords:** criminal law, complicity, crime, types of accomplices, qualification of complicity, responsibility of accomplices, organizer, leader

Жиноят иштирокчиларининг турлари орасида ташкилотчи энг хавфли шахс ҳисобланади. Чунки, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда ташкилотчининг

алоҳида роли ҳисобга олинса, у жиноятнинг бажарувчисидан ташқари муҳим шахс ҳисобланади. Боиси, у бажарувчи ёки бошқа иштирокчиларда жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш ҳоҳишини қўзғатиш билан бирга, жиноятни амалга ошириш учун шарт-шароит ҳам яратади. Айнан ташкилотчи жиноий ниятни амалга ошириш жараёнида мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди ва айнан шу иштирокчи жиноий ниятни амалга оширишнинг турли босқичларида юқори фаоллик даражасини намоён этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ташкилотчининг қилмишига тўғри ҳуқуқий баҳо берилишига эришиш учун унинг белгиларини тўлиқ ифодаловчи тушунчани шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Шу боисдан жиноят ташкилотчисининг белгиларини ифодалашни назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш унинг қилмишини тўғри квалификация қилиш учун замин яратади. Ҳолбуки, юридик адабиётларда жиноят ташкилотчисининг тушунчасига турлича таърифлар берилган. Хусусан, А.С. Якубов, М. Усмоналиев, Б. Бакуновлар анъанавий тарзда жиноятнинг ташкилотчиси деганда, жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахсларни тушунадилар [18, Б. 278; 19, Б. 277; 21, Б. 142]. Наинки, ушбу олимларнинг жиноят ташкилотчиси тушунчасига берган таърифи кўпроқ амалдаги жиноят қонунида унинг ҳуқуқий белгиларини ифодаловчи норма мазмунидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилганлигини кўриш мумкин. Аммо, бизнингча жиноят ташкилотчисини таърифловчи жиноят қонуни нормаси иштирокчиликни ушбу турининг юридик табиатини тўлиқ очиб бера олмайди. Чунки Жиноят кодексининг 28-моддаси 3-қисмида ташкилотчига берилган таъриф, *биринчидан* ташкилотчилик фаолиятини фақатгина жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилиш билан чегаралайди, ваҳоланки амалда мазкур фаолиятга бевосита раҳбарлик қилмасдан ҳам жиноятни ташкил этиш ҳолатлари мавжуд ҳисобланади, *иккинчидан* амалдаги норма ташкилотчининг юридик табиатини жиноятнинг объектив томон ҳаракатларини содир этишда бевосита қатнашиш ёки қатнашмаслик шартига аниқлик киритмайди. Шу боисдан ҳам кўриб чиқиладиган муаммони илмий-назарий нуқтаи назардан тадқиқ қилиниши ўта муҳим долзарбликни касб этади.

Қолаверса, юридик адабиётларда ҳанузгача, ташкилотчининг юридик табиатини очиб бериш борасида ягона тўхтамга келинмаган ва бу борада турлича қарашлар илгари сурилган [14, Б. 62]. Масалан, улардан бири “Жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш жараёнида шахс(лар) жиноий қилмиши ёки фаолиятини бирлаштирган ёхуд мувофиқлаштирган, шунингдек уюшган жиноий гуруҳ, жиноий уюшма ёки унинг таркибий тузилмаларини тузган ёхуд уларга раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи, деб топилади”, дейилади. Бизнингча, ушбу таъриф ўз навбатида, жиноят ташкилотчисининг мазмунини у ёки бу даражада очиб беради, бироқ биз, ташкилотчига берилган таъриф мазмунига “уюшган жиноий гуруҳ, жиноий уюшма ёки унинг таркибий тузилмаларини тузиш ёхуд уларга раҳбарлик қилиш” белгиларининг киритилишини қўллаб-қувватламаймиз. Чунки мазкур белгилар Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган алоҳида жиноятларнинг (ЖК 242 ва 244<sup>2</sup>-м.м.) мустақил таркибий элементини ташкил этади. Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилишга қаратилган қилмишлар бўйича ҳукм чиқаришда судлар бундай қилмишлар бўйича Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасини тўғридан-тўғри қўллаган ҳолда бажарувчи тариқасида квалификация қиладилар. Шунинг учун ҳам ташкилотчиликнинг мазкур шакли амалда ҳеч қачон ташкилотчи сифатида ўз ифодасини топмайди, чунки бундай қилмишларнинг содир этилишида жиноятнинг субъекти ҳар доим бажарувчи (бирга бажарувчи) бўлади.

Бундан ташқари, ташкилотчининг тушунчаси борасида Ф. Ишанходжаев, “Жиноят содир этиш учун иштирокчиларни бирлаштирган, жиноятнинг содир этилишини ташкиллаштирган ёки унинг бажарилишига раҳбарлик қилган, шунингдек уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёхуд уларга раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади” [6], даган фикрни ёзади. Ю.А. Клименконинг назарида эса, “Жиноят ташкилотчиси деганда, жиноят содир этиш ташаббусини илгари сурган,

иштирокчиларни бирлаштирган ва уларга ёрдам берган ёки жиноятнинг бажарилишига раҳбарлик қилган, шунингдек уюшган гуруҳ, жиноий уюшма (жиноий ташкилот) тузган ва (ёки) уларга раҳбарлик қилган ёхуд жиноий жавобгарликка тортилмайдиган шахслар гуруҳини тузган ва (ёки) бундай гуруҳга раҳбарлик қилган шахс тушунилади” [10, Б. 8]. В.В. Качаловнинг таъкидлашича, жиноят содир этишни ташкиллаштирган ёки унинг бажарилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи ҳисобланади. Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма (жиноий ташкилот)ни ташкил этган ёхуд уларни ёки жиноий уюшма (жиноий ташкилот) таркибига кирувчи бўлинмаларга раҳбарлик қилган шахс уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма (жиноий ташкилот) томонидан содир этилган жиноятларнинг ташкилотчиси [9, Б. 132], дейилади. Мазкур тадқиқотчиларнинг ҳам фикрлардаги, мустақил жиноят таркибини ташкил қилувчи “уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма тузиш ёхуд уларга раҳбарлик қилиш” белгисини ташкилотчилик мазмунига киритилишига юқорида келтирилган сабабларга кўра қўшилмаймиз, шунингдек, ташкилотчи таърифининг мазмунида Ю.А. Клименко томонидан илгари сурилган “жиноят содир этиш ташаббусини илгари сурган” каби белгини ҳам ташкилотчилик мазмунига киритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобламаймиз. Чунки, жиноят содир этиш ғоясини (фикрини) илгари суриб, бу билан бошқаларни жиноят содир этишга ундамаган шахс жиноятнинг ташаббускори ҳисобланиб, амалда у ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ҳамда бажарувчи ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур ҳолат аниқ шахснинг жиноят содир этишдаги ҳаракатларининг давомийлиги ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиниши ва ҳуқуқий баҳо берилишини талаб этади. Шунингдек, Ф. Ишанходжаев ва В.В. Качаловларнинг “жиноятнинг содир этишни ташкиллаштирган”, Ю.А. Клименконинг “иштирокчиларни бирлаштирган” каби белгиларни ташкилотчилик таърифи мазмунига киритилишини қўллаймиз.

Шу билан бирга, юқорида келтирилган фикрларда жиноят ташкилотчисининг юридик табиатини баҳолаш учун муҳим ҳисобландиган, яъни ташкилотчи томонидан ташкиллаштирилган ёки раҳбарлик қилинган жиноят таркибининг объектив томонини бажариш ёки бажармаслик ҳолатига ойдинлик киритилмаган. Аммо, мазкур ҳолатга С.С.Ниёзова ўз эътиборини қаратиб, у “Жиноятга тайёргарлик ва содир этишни ташкил этган ёхуд жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшмага раҳбарлик қилган, аммо муайян жиноятнинг объектив томонини бирга бажармаган шахс ташкилотчи, деб топилади” [12, Б. 17] деб, ўз фикрини баён қилган. Гарчи муайян ҳолатда ҳам ташкилотчи мазмунига жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшмага раҳбарлик қилиш белгиси киритилган бўлса-да, ташкилотчининг тушунчасида жиноятнинг объектив томонини бирга бажармаганлик ҳолатини қайд қилинганлиги ташкилотчининг юридик табиатини очиб бериш учун муҳим ҳисобланади. Чунки ташкилотчилик ҳаракатлари жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш жараёнида жиноят таркиби объектив томон ҳаракатларини тўла ёки қисман бажарилишида қатнашмаган ҳолда шахс(лар) жиноий қилмиши ёки фаолиятини ташкил қилиш, бирлаштириш, бошқариш, мувофиқлаштириш кабиларда ифодаланади.

Таъкидлаш керакки, ташкилотчилик фаолиятининг юридик табиати ташкилотчи шахсининг жиноятда иштирокчиликни келтириб чиқаришга қаратилган жиноятга тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида қатнашишининг объектив ва субъектив белгилари мазмунидан келиб чиқади.

Гарчи, объектив томондан, ташкилотчининг қонунчилик тушунчаси (ЖК 28-м., 3-қ.), ташкилотчилик фаолиятининг иккита муқобил шаклини ўз ичига олади. Шу боис ташкилотчининг жавобгарлиги учун унинг қонун нормасида кўрсатилган ҳаракатлардан бирини амалга оширишининг ўзи кифоя қилади. Ушбу белгиларнинг ташкилотчилик фаолиятини тўлиқ қамраб олинмаслиги ҳақида юқорида баён қилган эдик ва уларнинг ечимига оид фикр-мулоҳазаларнинг қуйида тадқиқотимиз давомида батафсил баён қиламиз.

*Биринчидан*, бу жиноятга тайёргарлик кўрилишига раҳбарлик қилиш. Жиноят кодекси 25-моддаси 1-қисмига мувофиқ, “Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга



кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади". Бунда жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратиш деганда, жиноий режа тузиш, жиноят қуроли, воситасини тайёрлаш, мослаштириш, излаш, жиноят иштирокчиларини топиш, улар билан тил бириктириш тушунилади. Жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиладиган жиноят бошлангунга қадар, яъни содир этилиши керак бўлган жиноят таркиби объектив томонини ташкил қилувчи қилмишлардан шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилган бўлса, жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади.

Жиноятни яшириш учун шарт-шароит яратиш эса, жиноят содир этилганидан сўнг жиноий жавобгарликдан қутилиш имкониятини яратиш ёки жиноят содир этган шахсни яширишга қаратилган фаолият бўлиб, бунда жиноят иштирокчисига жиноятни яшириш учун руҳий ёки жисмоний кўмаклашишдан иборат ҳаракатлар тушунилади [8, Б. 20].

Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, ташкилотчи қилмишини жиноятга тайёргарлик кўрилишига раҳбарлик қилиш белгиси бўйича квалификация қилишда унинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмишларни бошқа шахслар томонидан амалга оширилиши бошқарганлиги ва бунда қилмишнинг содир этиладиган жиноят бошлангунга қадар уларга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилганлигини аниқлаш талаб этилади.

Ташкилотчи жиноят иштирокчиларини тайёрлаш ва топиш, уларни зарур қурол ва воситалар билан таъминлаш, зарур бўлган жиноий кўникма ва жиноят содир этиш усулларини ўргатиш, иштирокчилар ўртасида роллар ва вазифларни тақсимлаш, жиноий тажовуз объектини танлаш, жиноят содир этиш режасини ишлаб чиқиш кабиларда ифодаланиши мумкин.

*Иккинчидан*, бу жиноят содир этилишига раҳбарлик қилиш. Мазкур белги иштирокчиликнинг ушбу тури учун муҳум аҳамият касб этиб, турли хил кўринишдаги ҳаракатларни ўз ичига олади. Жиноят содир этилишига раҳбарлик қилиш жиноятнинг содир этилишида бажарувчи (бирга бажарувчи) ва бошқа иштирокчиларнинг жиноий хулқ-атворларини бирлаштиришини ҳамда уларни аниқ жиноий мақсад сари йўналтиришга қаратилган фаолиятини англатади [5, Б. 121]. Ташкилотчининг қилмишини жиноят содир этилишига раҳбарлик қилиш белгиси бўйича квалификация қилишда, унинг жиноят бажарувчиси ҳаракатларини бошқарганлиги аниқланиши керак, бироқ, айрим ҳолларда жиноят содир этилишига раҳбарлик қилиш бошқа иштирокчилар (бажарувчи, ёрдамчи) томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин [9, Б. 68]. Асосийси, ташкилотчи барча иштирокчиларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, жиноий натижага эришиш учун улар фаолиятини йўналтиради ва ягона иродага бирлаштиради. Бу борада Н.Г.Кадниковнинг тўғри ёзишича, жиноят содир этилишига раҳбарлик қилиш жиноий тажовузни амалга ошириш жараёнида жиноят иштирокчиларининг кучларини бирлаштиришда намоён бўлади [10, Б. 65].

Айтиш ўринлики, бугунги кунда на назарий, на қонунчилик даражасида, ташкилотчининг қилмишини аниқ белгилари тўплами ҳуқуқни қўллаш қийинлиги сабабли тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Кўриб чиқиладиган иштирокчининг ҳаракатлари далолатчилик (масалан, иштирокчиларнинг ёллаш, жалб қилиш) ва ёрдамчилик (қуроллантириш, ўқитиш, шахсни жиноят содир этишга тайёрлаш) қилмишлар каби бўлиши мумкин. Бироқ, улар жиноят содир этиш режасини тузиш ва уни амалга оширишга қаратилган мураккаб интеллектуал фаолият билан ажралиб туради.

Шунингдек, айрим ҳолларда тергов ва суд органлари томонидан жиноят содир этиш жараёнида жиноят иштирокчиларининг ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи турларига хос бўлган функцияларни кетма-кетликда содир этганлик ҳолатлари, яъни жиноят содир этишни ташкил этган, бошқа шахсни уни содир этишга ундаган ва жиноят содир этган шахсга ёрдам кўрсатган шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 28-моддаси 3, 4 ва 5-қисмларининг мажмуи қўлланилиш ҳолатлари учраб туради. Шу билан бирга жиноят иштирокчилари жиноят содир этиш жараёнида бир нечта иштирокчиларининг ролини бажарса, яъни у бир вақтнинг ўзида ташкилотчилик, далолатчилик ва ёрдамчилик функцияларини

амалга оширган бўлса, бундай ҳолатга ҳам ҳуқуқий баҳо берилишида турлича ёндошувлар мавжуд. Масалан, А.Н. Павлухина, Р.С. Рижов ва Н.Д. Эриашвилиларнинг фикрича, "... агар жиноят иштирокчиларининг жиноят содир этилиши жараёнида иштирокчилик турларига оид бир нечта ролларни амалга оширган бўлсалар, уларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда иштирокчиликнинг ҳар бир тури акс эттирилиши керак" [13, Б. 104-105]. Бундай нуқтаи назар В.П. Алехин [1, Б. 73] ва В.А. Холодок [20, Б. 92] томонидан ҳам қўллаб-қувватланади.

Шу ўринда айтиш керакки, жиноятнинг содир этилиш жараёнида далолатчи ва ёрдамчи функцияларининг қўшилиши жиноятда иштирокчиликнинг сифат жиҳатидан бошқа хусусияти – уни ташкил этишнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бинобарин, айбдор шахснинг бу каби ҳаракатлари содир этилиш ҳолатларида ЖК 28-модданинг 4, 5-қисмлари мажмуи сифатида баҳоланмаслиги керак, балки бу каби қилмишларнинг бирлашишини аниқ жиноятни содир этишни ташкил этиш сифатида ташкилотчилик каби 28-моддасининг 3-қисмига ҳавола қилинган ҳолда баҳоланмоғи даркор.

Таъкидлагимиздек, ташкилотчилик фаолияти Жиноят кодекси Махсус қисм нормаларида ҳам ўз ифодасини топади, масалан, у асосий жиноят таркибининг зарурий белгисини ташкил қилади (жиноий уюшма ташкил этиш, ЖК 242-м., вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш, ЖК 127-модда 3-қисми), иштирокчиликда содир этилган қилмиш жиноят таркибларининг квалификация қилинувчи белгиларида ўз ифодасини топади (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ўғрилиқ, ЖК 169-моддаси 2-қиси "в" банди).

Жиноят кодекси Махсус қисмининг аниқ жиноят таркибларида бир гуруҳ шахслар, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тилиб бириктириб, уюшган гуруҳ томонидан содир этиладиган квалификация белгилари бўйича ташкилотчилик фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш бир қарашда оддий ҳолатдек кўринади. Одатда, бундай ҳолатлар ҳуқуқни қўлловчи томонидан бажарувчининг қилмишига ҳуқуқий баҳо бериш каби ЖК 28-моддасига ҳавола қилмаган ҳолда ҳуқуқий баҳоланади. Бироқ, ушбу масала адабиётларда турлича ҳал қилинади. Масалан, айрим тадқиқотчилар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлардаги ташкилотчилик фаолиятини ЖК Умумий қисмининг тегишли нормасига ҳавола қилган ҳолда квалификация қилиш зарур [16, Б. 130], десалар, бошқалар мазкур ҳолатда ташкилотчи жиноятни ташкил қилиб ва уни бошқарган ҳолда жиноят таркиби объектив томон ҳаракатларини бошқа иштирокчилар билан биргаликда содир этилишида қатнашиши ёки қатнашмаслигидан қатъий назар жиноят иштирокчиларининг қилмиши ЖК Умумий қисмига ҳавола қилинмаган ҳолда ЖК Махсус қисмининг иштирокчилик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли қисм, банди билан квалификация қилинади [2, Б. 18; 3, Б. 2; 15, Б. 12] деб, таъкидлайдилар. Аммо бизнингча, бундай ҳолатларни квалификация қилишда ташкилотчилик фаолиятини амалга оширган шахснинг аниқ жиноят таркибининг объектив томон ҳаракатларини бажарувчилар билан бирга содир этган ёки содир этмаганлигидан келиб чиқилиши керак. Агар жиноятнинг ташкилотчиси уюшган гуруҳ таркибида ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг объектив томон ҳаракатларини тўла ёки қисман бажаришда иштирок этмаган бўлса, бундай ҳолда унинг қилмиши ЖК 28-моддаси 3-қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилиниши керак. Агар жиноят таркиби объектив томонини тўла ёки қисман содир этган бўлса, унинг қилмиши ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда баҳоланади.

Бундан ташқари, кўпинча ташкилотчилик фаолияти бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирмаган ҳолда содир этилган жиноятларда ҳам намоён бўлади. Масалан, жиноят таркиби объектив томони биргаликда бажарувчиликда бошлаган бўлиб, бироқ улардан бири жиноятни амалга ошириш жараёнида ташкилий функцияларни ўз зиммасига олади ва бошқа иштирокчиларга кўрсатмалар бериб, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаган ҳолда уларни бошқаради. Бундай ҳолатда ҳам аниқ шахс қилмишида ташкилик фаолиятининг аломатлари бўлса-да, унинг бу каби ҳаракатлари

жиноят таркиби объектив томонини содир этганлиги боис, бажарувчи тариқасида баҳоланиши лозим. Бироқ, Ю.А. Клименко ташкилотчи турининг ижтимоий хавфлиги юқорилигини инобатга олиб, қонунчиликда қуйидаги қонидани мустақамлаш кераклигини таклиф қилади, яъни: “Бирга бажарувчилар ушбу Кодекс Махсус қисмининг улар билан биргаликда содир этилган жиноятлари учун ушбу Кодекснинг 33-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда жавобгар бўлади, бирга бажарувчи жиноятнинг ташкилотчиси бўлган ҳоллар бундан мустасно” [11, Б. 122]. Аммо мазкур қарашни қўллаб-қувватлаб бўлмайди, чунки ташкилотчи жавогарлигининг масаласи алоҳида ажратилиши, жиноят иштирокчиларининг бошқа турларининг ҳам амалий аҳамияти ва даражасини тушуришга олиб келади.

Шу ерда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Агар жиноят иштирокчилари бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирмай, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиб, фақат бу белгилар Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолатларида назарда тутилмаган бўлса, қилмиш қандай квалификация қилинади. Қоидага кўра, бундай вазиятда ҳам ташкилотчининг жиноят содир этишда иштирок этиш факти қилмишга ҳуқуқий баҳо беришга таъсир қилмайди. Агар Махсус қисм моддаси, қисми ва бандларида иштирокчилик белгилари умуман ёки етарли даражада акс эттирмаса, бундай ҳолатда Жиноят кодексининг Умумий қисмининг моддаларига ҳавола қилиш керак бўлади.

Баъзи ҳолларда ташкилотчи ўзи ташкил этган жиноят таркибининг объектив томонини амалга оширишда бевосита иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳуқуқни қўлловчининг позицияси қатъиан ташкилотчи бундай ҳолларда бирга бажарувчи сифатида жавобгар бўлиши, унинг жиноятга тайёргарлик кўриш ва содир этишдаги ташаббуси роли жазо тайинлашда ҳисобга олиниши керак.

Табиийки, жиноятга тайёргарлик кўрилиши ва уни содир этилишига раҳбарлик қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилган жиноятларда бўлиши мумкин. Ташкилотчининг жиноят содир этилишига бўлган қасдининг мазмуни унинг жиноят содир этишда бевосита амалга оширадиган роли билан ҳам, бир вақтнинг ўзида бажарган раҳбарлик функциялари билан ҳам белгиланади. Маълумки, ташкилотчи жиноят содир этилишида ҳам бажарувчи, ҳам далолатчи, ҳам ёрдамчи ролида намоён бўлиши, яъни у ушбу ролларни бир вақтнинг ўзида бирлаштириб ёки кетма-кет бажариши мумкин. Бунда қасднинг интеллектуал белгисини ташкил этувчи элементларининг минимал миқдори ҳар бир аниқ ҳолатда турлича бўлади. Агар у жиноятнинг содир этилишида иштирок этмасдан фақат унинг дастлабки фаолиятни ташкил қилса, у ҳолда, табиийки, у жиноятнинг содир этилиш жараёнлари билан боғлиқ ҳолатларни батафсил билмаслиги мумкин, аммо у томондан жинойий ниятни амалга ошириш режасини тайёрлаш вақтида жиноятни амалга оширишнинг турли хил вариантлари кўриб чиқилганлиги сабабли, уни шахсан жиноятни яқунлаш билан боғлиқ усулларнинг барча тавсилотлари муҳим бўлмай, ташкилотчини фақат жиноятнинг яқуний натижаси кўпроқ қизиқтиради. Агар, масалан, босқинчилик жиноятининг ташкилотчиси жиноят содир этаётган шахсларни совуқ ёки ўқотар қурол билан қуролланганлигини билса, у мазкур қуроллар жиноятни амалга ошириш жараёнида қандай шароитларда қўлланилишини билмаса ҳам, ушбу қуроллардан фойдаланиш билан боғлиқ барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

Бундан ташқари ташкилотчининг шахсий жинойий мақсадлари бажарувчиларнинг мақсадлари билан мос келмаслиги мумкин, бироқ шунга қарамай, у жиноятнинг бевосита бажарувчиларида уйғотилган ва ташкиллаштирилган қасднинг мазмунига мос келадиган барча жинойий оқибатлар учун жавобгар бўлиши керак. Бунда шуни таъкидлаш керакки, ташкилотчининг субъектив томонини асосий белгиси жиноят содир этиш қасдининг мавжудлигидир. Демак, субъектив томондан ташкилотчининг фаолияти фақат бевосита қасд билан амалга оширилиши мумкин ва шу билан бирга, ташкилотчи жиноятнинг содир этилишида айрим иштирокчиларни ёки жиноятни содир этишнинг барча деталларини билмаслиги мумкин.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ташкилотчиликнинг таърифи берилган ЖК 28-моддаси 3-қисми ташкилотчилик фаолиятини фақат “раҳбарлик қилиш” билан чегаралайди. Аммо юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ташкилотчилик фаолияти жиноятни ташкил қилиш билан ҳам изоҳланади. Зеро, “ташкил қилиш” ва “раҳбарлик қилиш” атамалари турли хил маъноларга эга бўлиб, улар назарий нуқтаи назардан уларни аниқлаш, бир-бирига қўшишни истисно қилади, чунки ташкилотчи – бирор нарсани ташкил этувчи ва яратувчи ҳисобланади, раҳбар – раҳбарлик қилиш, бошчилик, бошлиқлик, йўлбошчилик, раҳномолик, мураббийлик, устозлик» [17, Б. 362], деган маъноларни англатади. Демак ташкил қилишда шахс у ёки бу фаолиятни юзага келтиради ва раҳбар эса, аллақачон яратилган фаолиятни бошқаради. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноят қонунининг ташкилотчилик таърифида ташкил қилиш ва раҳбарлик қилишнинг ролларини уларнинг фаолиятининг функционал мазмунини ҳисобга олган ҳолда фарқлаган ҳолда такомиллаштирилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Шунингдек, раҳбар таърифида икки маъноли ва турлича талқин қилинишини истисно қилиш учун мазмунан унга энг яқин бўлган “бошқариш” феъли орқали ифодалашни таклиф қиламиз, яъни у “муайян фаолиятни бошқариш, кимнидир бошқариш ва йўналтириш” деган маънони англатади. Шу орқали раҳбарлик қилишни жиноятни содир этиш жараёнининг исталган босқичида жиноят иштирокчиларини бошқарган шахс сифатида тан олиниши керак.

Яна шуни айтиш керакки, адабиётларда “Ташкилотчининг қилмишини квалификация қилишда, унинг содир этилган жиноятда бевосита иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар, Жиноят кодекси Умумий қисмининг ташкилотчилик белгиларини ифодаловчи нормасига ҳавола қилиш мажбурий бўлиши керак деган фикрлар ҳам билдирилган. Ушбу фикр тарафдорлари бундай ёндашув оддиллик принципини амалга оширишга кўпроқ мос келади ва қилмишнинг тўғри квалификация қилишга ижобий таъсир кўрсатади [4, Б. 120], деб ҳисоблашади. Аммо биз бу фикрни тўлиқ қўллаб-қувватламамиз, чунки ташкилотчиликнинг ҳар бир ҳолатида (жиноят таркиби объектив томонини содир этган ёки содир этмаган) ЖК 28-моддаси 3-қисмига ҳавола қилиниши, бажарувчининг қилмишини квалификация қилиш қонунчилигида ўхшаб, у билан қарама-қаршиликка учрайди. Шу боисдан ҳам қонунчиликда бир-бирини такрорловчи ва инкор қилувчи қоидалар белгиланишига йўл қўйилмаслиги керак.

Муҳтасар айтганда, ташкилотчининг ҳаракатлари Жиноят кодекси 28-моддаси 3-қисмига ҳавола қилинган ҳолда Махсус қисмининг моддасининг тегишили қисми, банди бўйича квалификация қилинади. Ташкилотчи жиноят содир этишда бевосита иштирок этган ва жиноят содир этилишида бажарувчи билан биргаликда бирга бажарувчи тариқасида қатнашган ҳолларда унинг қилмиши Жиноят кодексининг Махсус қисми моддаси бўйича жавобгарликка тортилади ва бунда Жиноят кодекси 28-моддаси 3-қисмига қўшимча ҳавола қилиш талаб қилинмайди. Бироқ, ташкилотчи жиноят таркиби объектив томонини бошқа иштирокчилар билан биргалашиб бажарган тақдирда ҳам унинг ташкилотчилик қилмиши жиноят иши материалларида кўрсатилиши даркор, чунки бу ҳолат жазони индивидуаллаштириш учун муҳим ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, амалдаги қонунчиликда ташкилотчининг ёки бошқа иштирокчиларининг қилмишини квалификация қилишда Жиноят кодекси Умумий қисминининг жиноят иштирокчиларининг турларини ифодаловчи нормасига ҳавола қилиш шартлигини белгилловчи қоида назарда тутилмаган. Олий суд Пленуми қарорларида ҳам бунга тўлиқ тушунириш берилмайди. Шунинг учун ҳам ташкилотчилик ва умуман иштирокчилик турларини аниқловчи квалификация қилиш қоидалари Жиноят кодексида ҳал қилиниши керак.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ташкилотчилик фаолиятини квалификация қилишдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш мақсадида ташкилотчи тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, яъни: *жиноятнинг содир этилишини ташкил этган ёки унинг тайёргарлик қўрилишига*

*ёхуд содир этилишига раҳбарлик қилган, жиноят иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштирган шахс, башарти бошланган жиноятнинг объектив томони содир этилишида бевосита тўла ёки қисман иштирок этмаган бўлса ташкилотчи, деб топилади.*

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Алехин В.П. Соучастие в террористической деятельности. – М., 2009. – С. 73.
2. Балеев С.А. О понятии соучастия в преступлении в действующем уголовном законе // Российский следователь. – 2010. – № 13. – С. 17-19.
3. Виденькина Ж.В. Ответственность за организацию преступного сообщества или участие в нем. Научно-практическое пособие / Отв. ред. Н.Г. Кадников. – М.: Юриспруденция, 2014. – С. 2.
4. Горенко М.Г. Организатор и руководитель преступления: соотношение понятий и некоторые вопросы квалификации // Теория и практика общественного развития. – 2022. – № 3. – С. 118-123.
5. Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Р. Кабулов, А. А. Отажонов, Д.Ю. Пайзиев ва бошқ. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 121.
6. Ишанходжаев Ф. Жиноятда иштирокчилик: нормаларни тартиблаш ва такомиллаштиришга доир таклифлар // <https://advokatnews.uz/xabar/1841.html>.
7. Кадников Н.Г. Квалификация преступлений и вопросы судебного толкования. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юриспруденция, 2009. – С. 65.
8. Камалова Д.Г. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари ва унинг учун жавобгарликни такомиллаштириш // Юрид. фан. ... ф-фа д-ри (Phd) дис. ... автореф. – Т., 2018. – Б. 20.
9. Качалов В. В. Организатор преступления в уголовном праве России. Дис. ... канд. юрид. наук: – М., 2004 – С. 132.
10. Клименко Ю.А. Организатор в преступлении: понятие, виды, уголовно-правовое значение. Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2011. – С. 8.
11. Клименко Ю.А. Организатор преступления: вопросы квалификации // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). – 2015. – № 7. – С. 119-128.
12. Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкани иштирокчиликда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. ... дис. ... автореф. – Т., 2006. – Б. 17.
13. Павлухин А.Н., Рыжов Р.С., Эриашвили Н.Д. Виды и ответственность соучастников преступления. – М., 2007. – С. 104-105.
14. Otajonov A. A. Legal analysis of signs participation in the crime // Право и жизнь. – 2019. – № 1. – С. 60-65.
15. Otajonov A. Some opinions on the subjective signs of complicity in a crime // ProAcademy. – 2018. – Т. 1. – № 4. – С. 9-13.
16. Саблина М.А. Фигура организатора в соучастии в преступлении и участии в организованной преступной деятельности // Право. Журнал Высшей школы экономики. – 2015. – № 4. – С. 129-139.
17. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н-Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 362.
18. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 278.
19. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: «Насаф» нашриёти, 2010. – Б. 277.
20. Холодок В.А. Теория и практика квалификации преступлений. – Курган, 2010. – С. 92.
21. Якубов А. С. Правовая основа учение о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы: Дис... докт. юрид. наук. – Т., 1996. – С. 142.